



Бу кун ўзбек адабиётига яна янги бир тўн кийгизилди, Чўлпоннинг «Булоклар» отлик янги бир шеърлар тўплами босилиб чиқди.

Чўлпон ўзбекнинг янги шоиридир. Шунинг учун ўзбек элининг бу кунги рухи, холи, сезгиси «Булоклар»да кайнайдир. Ўзбек тили, ўзбек оханги «Булоклар»да сайрайдир, ўкуйдир. Ўзбекнинг руҳий тўлкунлари бунда кўпурадир, кўклар томон учадир, кўтариладир.

«Булоклар»да ўзбек сезгиси инграйдир, сизлайдир, титрайдир. Шунинг учун бу тўн шундай бир тўндирики, ўзбек руҳидан, жонидан битгандир, унинг баданини асрамок, кўрумок учун ўз багрига боскондир.

Ўзбек янги шоирларининг охангиз бўлишини уялмайин сўйлайтургон оғизларга «Булоклар» туфурадур. Ўзбек адабиётига тил тегдирмакчи бўлгон машхур «нодонлар»га бу «Булоклар» куладир.

Шоир «Амалнинг ўлуми» деган парчасида: — шеърий мисра эмас

Кўнглимда йиглагон малаклар кимлар,  
Шаркнинг оналари, жувонларими?  
Каршимда эгилган бу жонлар кимлар,  
Куллар ўлкасининг инсонларими? —

деб, шу кискагина парчанинг ўзидағини канча шеърият, канча оханг уйдирғондир, шу билан бирга юртининг дардини, кулларининг англаған жонлар бўлишини, кўнглида йиглагон малакларнинг шаркнинг оналари, жувонларидан иборат эканини канча очик, муассир ва эъжоз билан тасвир этадилар.

Мана иккинчи бандида элининг умидларини эскартиб:

Кенг хаёллар учдими кўкка,  
Бутун умидларин ёвларми кўмди, —

деб, шарк халкларининг абадий асирикка кирганлигига ишонмогини кўрсатиб, ўзининг «Хаёлида порлагон» шамъининг ўчишига шубхалик сўрот билан айтадир:

Мангу туткинликка кирдими ўлка?  
Хаёлда порлагон шамъларми сўнди?

Яна бошка бир сахифасини очдим. Хали ўз адабиётининг борлик-йўклиги шубхалик бўлгонларнинг «назарияйи адабия»ларига, узоклардан мисолларни англамай олганларга «олий хислар» учун хали кўб йиллар мисол бўлишга арзийдирғон:

Оч ахир, очгилким, кўксингни:  
Бир нафас ўзимни унитай,  
Унитмок бутунлай «ўзлик»ни,  
Ох, шундан нажотни мен топай,

деган, шу парча кўзимга тушди ва кўр виждонларга лаънатлар ўкидим.

60 сахифага молик бўлгон бу асар «Шарқ учун, Сезгилар, Севги, Кора йўллар, Кор кўйнида» унвонлари остида бўлимларга айрилғон 26 парчадан иборатдир.

Асар чиройлик ва нафис бошланғон. Ўзбек шоирини бу муваффакияти билан табрик этамиз ва адабиёт суйгувчилариға такдим киламиз.

Вадуд Махмуд